

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIY  
ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан  
чққа бошлаган

№ 53 (7. 442)

1991 йил 18 март, душанба

№ 8 тўғрисида

## ТО Бугунги кун нафаси

### ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

16 март кuni Наврўзи ўтказиш жумҳурият ташкилот комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бу байрамга қандай тайёргарлик кўрилганлиги муҳокама этилди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

КПСС Марказий Комитетининг Котибати Оренбург область партия комитетининг КПСС XXVIII съезди қарорларини бажариш юзасидан иш иттифоқидagi масалани кўриб чиқди.

Латвия, Эстония, Арманистон, Грузия ва Молдова чакана нарх-наво ошишини қоллаш мақсадида ташкил этилган иттифоқ

компансия фондига пул ўтказишдан бош тортмоқделар.

## ХОРИЖДА

Югославия Президиумининг Раиси Борисав Йович ҳамда Президиумнинг яна бир неча аъзоси мамлакатда юзага келган тенг аҳвол муносабати билан иттифоқга чиқдилар.

Курд қаршилик ҳаракатининг жангчилари Ироқ шимолдаги провинцияларнинг 95 фоизи устидан ўз назоратларини ўрнатдилар. Ироқ президенти Сааддам Хусейн иурдларни ҳукумат қўшинларига қаршилик кўрсатмасликка даъват этди. У мамлакатда сиёсий ислоҳот ўтказишга, жумладан кўлпартиявийлик системасини жорий этишга ваъда берди.

## Бугунги кун нафаси

ТО

# ИТТИФОҚ УЧУН!

Тошкент. 1991 йил. 17 март

Кеча пойтахт меҳнат аҳли яна бир ҳажонли дамларни бошидан кечирди. Саволлар кўндаланг қўйилган эди: тенг-хушхули мустақил республикаларнинг янгилашган Иттифоқини сақлаб қолгани зарур деб ҳисоблайсизми? Ўзбекистоннинг янгилашган федерацияда тенг хушхули мустақил республика бўлиб қолишига розимисиз? Гарчи бу саволлар бир ой муқаддам ўртага ташланган бўлсада тошкентликларни сайлов қўтидари олдига сўнги бор яна бир қарра ўйлаб кўришга мажбур этди, бун уларнинг жиддий меҳраларидан рўй-рост пайқаб олиш мумкин эди.

«Оқшом» мухбири шаҳар кезиб, районлардаги сайлов участкаларига ташриф буюрган жуда кўп фуқаролар билан мулоқотга бўлди.

Мана, биз ниҳоят шаҳардаги энг йирик Киров районидagi 16-сайлов участкасида.

Сайлов комиссияси аъзоларига бегарас ёрдам кўрсатиш мақсадида, — дейди шу ердаги «Туркистон» маҳалла комитети раиси, филология фанлари номзоди Даврон Шораҳмедов, — фаолларимизнинг деярли ҳаммасини жалб этдик. Комитет раиси муовини С. Қориев умумий иттифоқни назорат қилиб бординг, энг фаол комитет аъзоларидан Р. Тиллаев

участкамизда савдонни ташкил этишда дўконлар ходимларига яқиндан кўмаклашди. Ўртада соат 6 да бошланган овоз беришда тушга қолмай 80 фоиз аҳоли иштирок этишга улгурди. Шунинг ўзи фуқароларнинг Иттифоқ таъдиринга ниҳоятда жиддий муносабатда бўлаётганлигини далиллади.

Қосим Хўжаев кўчасидаги 26-уйда истиқомат қиладиган пенсионер Шарофат ан Ҳакимова билан овоз бериб бўлгач, суҳбатлашдик.

— Тўрт фарзанд онаси, ўн бир неваранинг бувисиман, — деди у, — ҳозирги алғов-далғов кунларда осойишталикни, яхши турмушнинг орзу қилаётганим учун ҳам Иттифоқни ёқлаб овоз бердим. Агар ҳаммамиз бирга, аҳил бўлсак, ҳеч қачон адашмаймиз.

Суҳбатимизга Акмал Муқаддасида истиқомат қилувчи Нейматжон Мақсумжонов арашди:

— Мен узоқ йиллардан буён «Тошкентга-бел» заводда экскаватор машинист бўлиб ишлаймман. Бизга ўхшаган серфарзанд оилалар учун ҳозир аҳвол бирмунча оғирлашиб қолди. Бунинг мен мамлакатимизда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганлигидан, деб биламан. Мана, биргина бизнинг заводимизни олиб кўринг. Корхонамиз хом ашёни Иттифоқнинг марказий минтақаларидан олади. У ёнда эса одамлар намойишлар, митингбозлик, иш ташлашдан бўшашмапти. Оқибатда шартномада-

ги хом ашёлар бизга вақтида ва келишилган миқдорда етказиб берилмапти. Бу эса бизнинг ҳаминимизга кони зарар. Агар улар ҳам бизнинг республикамиздаги каби аввал ишни дўндириб қўйишса, ҳадеб ваъахонлик қила-вермасдан иттизоми мустаҳкамлашса, завод-фабрикалардаги хом ашё таъминотига барҳам берилган, дўконлар пештахталарида ҳам маҳсулотлар кўпайган бўлур эди.

3-тармоқ кўчасидаги, 9-уйда яшовчи 70 йашар Клавдия Степановна йўлда учратдик.

— Қаранг-а, — деди кекса кулиб, — менга таклифнома беришни унутиб қўйишди. Айтшимаса ҳам ҳассамни дўқиллатиб ўзим келаялман.

— Агар сир бўлмаса, айтингчи. Сиз «Ҳа» демоқчимисиз ёки «Йўқ»?

— Эҳ, болаларим-ей — жиддий гапга кўчди кампир, — бутун умрим авиасозлар заводиди ўтди. Биргаллашиб фашизм балосини даф этдик. Уруш пайтида ўзбекларнинг қанчандан-қанча етим-есирларни ўз бағрига олиганини унутиб бўладими? Ана шу дўстлик, меҳр-оқибат учун биз СССР иттифоқини сақлаб қолганимиз керак.

...Яқинда референдуми Тошкентнинг бар-ча районларида уюшқонлик билан ўтди.

А. НУРИМОВ,

«Тошкент оқшом» мухбири.

## «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларига—25 йил



1975 йил солномасидан

Шаҳримиздаги экологик аҳволнинг тобора ёмонлашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шаҳар ҳавосини тозалашда яшил бойликларимиз — мевали ва мезарали дарахтларнинг тутган ўрни жуда катта. Тўғри, ҳар йили баҳор фаслида минглаб тул дарахт кўчатлари экладию, афсуски уларнинг кўпчилиги қаросиз аҳволда қолиб қуриб-қовжириб қолади. Пойтахтимиз маҳаллари, кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли ўз кўчаларидаги, доҳаларидаги дод-хилликка бурканиб, шаҳримиз янада чирой очар эди. Рўзноманинг 1975 йил 23 июни сонидagi «Тошкентнинг кекса чинор ва дублари» мақоласи билан танишган муштарийларимиз Тошкентнинг яшил бойлиги ҳақида бой тасаввурга эга бўлишлари мумкин.

«Республика пойтахтидаги яшил дарахтларнинг рўйхатга олиш тугаллиги. Ҳовиллардаги, ботаника боғидаги мевали ва мезарали дарахтлардан ташқари шаҳар кўчалари ва хиёбонларида 1285 гектар майдонда турли хил яшил дарахтлар борлиги аниқланди. Айни пайтда Тошкентнинг энг кекса дарахтлари ҳам ҳисобга олинди.

— Тошкент Давлат университетининг Ҳадрдаги юридик факультети ҳовлисида ўсаётган чинор энг кексадир, — деб ҳикоя қилинади ушбу мақолада. Бу дарахтнинг ёши 500 дан ошган. Ленин номида пионерлар саройининг ҳовлисида ўсаётган тўрт дуб шу йили 130 ёшга тўлади. Революция хиёбонда яшаб турган 28 та дуб ва чинорлар бир мунча ёшроқдир. Улар бундан 103 йил муқаддам экилган. Бу дарахтларнинг таваси ники ва уч қулочдан иборат.

### АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

1975 йил 20 июнь

«Була-кондитер» комбинатининг коллектив шаҳар магазинларига тортларнинг янги намуналарини чиқарди. Улар «Прага», «Бойчечак» ва «Пешта» деб аталади. Улар аввалги намуналардан бирмунча маза-лиги билан фарқ қилади.

Бугун марказий лаборатория мудири О. Соина ва бош технолог А. Бачуриналар бошлиқ корхона технологлари була маҳсулотларининг янги намуналарини тайёрладилар. Улар «Ширмов булка», «Шоли булка» ва «Бурама» номли деб аталади.

«Тоша ҳаво, тана давон» деб бежиз айтмаган халқимиз. Заро, сўлим табиат қўнида ҳордик қилган кишининг меҳнат қобилияти тикланади, асаблари ором олади. Чорвоқ денгизи, Чимён тоғлари, сўлим ва тороватли Хумсон кишлоғидаги дам олиш уйлари, пансионатлар, Угом дарёси бўйлари пойтахтимиз аҳолисининг энг секинлик дам олиш масканлари сирасига киради. «Чорвоқ денгизи мавзелари» деб номланган мақолаи ўқиган киши ўзини беҳтиёр гўзал денгиз бўйларида ҳис этади.

... Чорвоқ денгизи кўрилишидаги ўзгаришлар жуда катта. Кемалар тўхтайдиган жой ўнг томондан чап томонга кўчирилди. Икки жойда кемалар тўхташ жойи, Пристанларда «Ўзбекистон 50 йилгига»

Геркулес, Нахимов ва бошқа номдаги пассажир кемалари, раи-бараиғ катерлар ва моторли кемалар.

... Бир ён белоев суя, бир ён кўм-кўк водий. Тоғ ортида тоғлар. Энг оқидаги баланд тоғ қорлари ҳали эримаган. Бу ерларда кун бўйи гаштлар ҳордик чиқариш мумкин... Спидоладин «Гўнгоз» кўян таралмоқда. Қиз-жувоилар шўх рақсга тушишган. Ингитлар қарсақ чалиб туришадик. Улар агрофида мажиси ўғил-қизларни қуванаб-йираб ўйнаб юришадик. Ҳаммаларнинг қувончлари бир жаҳон. Бу кун нақадар гаштлар, нақадилар.

Қани энди пойтахтимиз маҳмонларининг таассуротлари билан ҳам танишиб кўрайлик-чи.

... Бизлар меҳнат отпускас олиб атайлаб Ўзбекистонни сайда қилганимиз. Туртталамиз ҳам Иркутскданмиз. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Олмалик шаҳарларида бўлдик. Тошкентдан узоқ бўлмаган жойда Чорвоқ денгизи кўрилишидан кўндаланг бўлиб эшитган эдик. Келиб кўрдик. Ҳар нимга ҳам манзур бўладиган оромгоҳ. Йилинги таъсирот қатнови йўлга қўйишса, бошқа жойлардаги кеби бу ерда ҳам келувчиларга қўлайлик яратилиб, буфет, чимчаллик суя сотиш ташкил қилинса янада яхши бўлар эди.

Ҳа, ҳозирги вақтда ҳам оромгоҳларимизда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган дейиш қийин. Жумҳурия-тимизда кўзи қуванадиган табиат масканлари, тарихий обидалар жуда кўп. Агарда биз хизмат кўрсатиш маданиятини ҳам аъло даражада йўлга қўйсак, Шарқнинг машаъли бўлган Ўзбекистонимиз энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган ўлкага айланди.

### ТОШКЕНТ ПИЛАСИ

1975 йил 22 август

«Бугун кўраликни завод» Бельгида очилган «Халқаро — 75» кўргазмасига 60 та нагав, 120 та пилла, 25 та тарелка ҳамда 5 та комплект кийимий сервиз жиғатди. Кўргазмада Ўзбекистон СССР ўз маҳсулотларини алоҳида бўлимда намойиш этади. Завод маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортади. Бу ерда тайёрланган сопол идишлар чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

Кун кеча Венгрияга биринчи бор 750 сўмлик безалик Тошкент пиласи ва нагавлар жиғатилди. Бу йил яна шу мамлакатта корхона коллективи яна 2 миң 500 сўмлик сопол идишлар юборадик.

Маълумки, бундан 16 йил муқаддам Ўзбекистон СССР Фанлар академияси совет фани, экономикаси ва маданиятини раёвон-лантириш, юқори маъналик мутахассисларни тайёрлашдаги замишларни эъзага Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланган эди. «Фанимиз уфқларни деб номланган мақолада ўзбек или-фанининг элли йил ичда босиб ўтган йўли, унинг ютуқлари қаламга олинган.

... Ўзбекистон олимлари қисқа давр ичда инсти кўрилган ютуқларни қўлга киритдилар. Математика, астрономия, физика, механика, кибернетика, геология, сейсмология, химия, биология, қишлоқ хўжалиги, медицина ва иқтисодий фанлар соҳаларида Ўзбекистон олимларининг олиб бораётган тадқиқотлари фақат республикамиздаги эмас, умумиттифоқ миқёсидаги халқ хўжалигини юксалтиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон олимларидан ўйлаб ишим Ленин ва Давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Бу ўринда Ўзбекистон олимларининг ядро физикаси, электроника, биология, медицина соҳалари бўйича СССР Фанлар академияси олимлари билан ҳамкорликда муҳим масалалар устиди ҳис олиб бораётганликларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Физикларимиз оғте ва диалектрик электроника кўбш энергиясидан фойдаланиш ўстида фундаменталь тадқиқотлар олиб боришляпти. Атом заррачаларининг қаттиқ юксилар сиринга ўзаро таъсир, нейтрон активация анализ кеби мураккаб муаммалар ҳам муваффақиятлик ҳал этилаётир. Тошкентли математиклар мактабининг эҳтимоллик назарини, математик статистика, топология, дифференциал тенгламалар соҳасидаги улким натижаларини кўришликка маълум...

## Наврўзга таратдуу

# ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР АЗИЗ

Шаҳар Кенгаши депутатларининг ўз сайловчилари билан учрашуви мунтазам ўтказиб туриладиган оддий воқеа бўлиб қолди. Ана шундай учрашулар чоғида аҳолини ташвишлантираётган муҳим муаммолар кўтарилади, уларни ҳал этиш йўллари биргаликда изланади.

Шундай учрашувлардан бирини «Ташкентда» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 222-сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутати О. Отвев «Зарафшон» ва «Чархамолон» маҳаллаларида ўтказди. Саволлар кўп бўлди: қурилиш ускуналарини харид қилиш, телефонлаштириш ва ҳоказо масалаларда маҳалла аҳоли-сига ердам бериш керак эди. Депутат аҳоли талабини эътиборсиз қолдиргани йўқ. Унинг ердамида етти куб метр ёғоч-

меҳнат жамоаси билан маслаҳатлашиб, унинг розилини олганидан сўнг айрим сайловчиларга ердам бериш имконига эга бўлди. Корхона иқтисодий ривожлантириш жамғармасидан маҳаллага беморларга, боқувчиларга қолганларга, кўп болали оилаларга бегарас ёрдам кўрсатиш учун 3,5 миңг сўм ажратилди. Шу ўринда ердамнинг оо ёни қўлнинг аҳимияти йўқ. Инсоний ҳамдарлик, яқин кишиларга инсоният аътибор ва ғамхўрлик аъза.

И. АЛИМОВА.

Наврўз олағга бегиш-ланган бошқа мақолаларни рўзноманинг 4-санафасида ўқийсиз.

### Футбол

## БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

«Пактакор»нинг ушбу маъсумдаги иккинчи ўйинига тушган 40 миңга яқин ишчибоз бу гал сувинли командасининг галабосини интиқлик билан кутарди. Қувончи еришунда эдики, қондида қолийлардан «Бухоро-Омега» қўшма фирмасининг президенти Георгий Псаромов, Пирей шаҳрининг мари Дмитрий Саувафаслар ўйингоҳга ташриф буюриб пактакорларнинг янги маъсум билан табриқлашди.

Душанбелик Буутинттифок тоифасидаги ҳасам Александр Филиппенко эса моҳир тўпурарини Игорь Шиваринга «Комсомолец Таджинистан» рўзномасининг совринини топширди. Москвалик В. Бутенконинг ҳуштагидан сўнг ўйин бошланди. «Пактакор» майдонга кудди аввали ўйинда кеби тарқибда тушди. Беллавуш майдон эгларининг ҳукуми билан бошланди. Беллавушнинг 15-дақиқасида А. Пат-

ниций ўнг қанотдан секин, аммо аниқ зарба билан рақиблар дарвозасини забў этди. Бироқ учрашувининг тақдирини икки дақиқада ҳал бўлди-қўйди. «Диепр» ҳимочиси В. Тишченко 40-дақиқада ҳисобини тевгалаштирди. Сўнг эса Э. Сон иккинчи маротаба тўпни пактакорчилар дарвозаси тўрига туширди. Иккинчи бўлмада ўйинчилар қанчалик ҳаракат қилмасалар дарвозалар дақисиз қолди.

## Ишсизликдан ҳимоя қилиш жамғармасига

# ТЎҚИМАЧИЛАР МАЪҚУЛЛАШМОҚДА

### БУГУН

Тошкент ил-ғалама ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат жамоаси кенгаши, корхона касаба уюшмаси комитети ва партия комитети чаринги билан 16 март кунин ўтказилган шанбаликнинг дастлабки кўчалари чиқарилди. Ишлаб топишган маблағлар «Средазэлектротрапарат» бирлашмасидан ўрнат олиниб, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганларни иқтисодий муҳофаза этиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш жамғармасига ўтказилди.

Шанбалик натижалари ҳақида Ўзбекистон ССР халқ депутати, бирлашма бош директори В. Қ. Эргашев ҳикоя қилди:

Бирлашмада бозор муносабатларининг қарор топиши, айниқса унинг биринчи дамлари, ишловчилар сонининг қисқаришига, ишсизларнинг пайдо бўлишига олиб келмаса керак. Биз ҳали ҳам бир қатор асосий ва ердамлик иқтисодиклар бўйича маълумки мутахас-

сислар етишмовчилигини ҳис этиб турибмиз. Аммо бизга ишловчиларнинг иқтисодий муҳофаза қилиш фонди зарур. Чунки тўқимачилар бор, улар моддий мадада муҳтож, яна пенсионерлар ҳам бор.

Бозор муносабатларига биз дадил қаддам қўймоқдамиз. Чунки тошкентлик тўқимачилар иккара лудратга тармоқда биринчилардан бўлиб ўтишганди. Мана икки йилдирки, биз ана шундай шартонда меҳнат қилаймиз. Шу жиҳатдан жамоа лудратини биз бозор муносабатларига ўтишини биринчи босқичи деб қараймиз. Бу ҳозирги кундаёқ ишлаб чиқариш ва участкалар фаолиятида иқтисодий самаларини бериляпти.

Утган йили ҳужалик фаолиятининг икунлари бўйича фойда 30 миңлик сўмдан анбдорини ташкил этди. Ҳар бир иш жойида қатъий нархларнинг, жумладан ҳар метр ғазлама, ҳар килограмм қалава нархларининг белгиланиши ўз самарасини берди. Турли касбаги

ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги кўза ташланиб қолди. Энди улар смена мобайнида қандай маҳсулот ишлаб чиқарилганини, уни пулга чаққанда қанча бўлишини яқин билишди. Жумладан, кўпгина тўқувчилар ва Янгирувчилар ойига 300—400 сўмдан, уста ёрдамчилари 500 сўмгача маош олишляпти.

Яна бир муҳим жиҳати, Умуман бирлашма бўйича меҳнат унумдорлиги охири йили 7 фоизга ошди, техникадан унумлироқ фойдаланиладиган бўлди. Мисол учун пардозлаш фабрикасида дастохлар самарадорлиги 30 фоизга кўбляди. Нам мабола ва вақт сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракати тобора мустаҳкам қарор топмоқда.

Ҳозир Германия фирмаларининг бирдан сотиб олинган замонавий дастохлар ўрнатилмоқда. Ана шу техника бизга марказлашган усулда акратилган валюта маблағи ҳисобига сотиб олинди. Бизнинг ўзи-

миз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Шу мунгача бирлашмаимиз ишлаб чиқараётган ил-ғаламаларни етказиб бериш юзасидан Австрия, Франция, Покистон, бошқа қатор мамлакатлар билан шартнома тузилди. Бунинг аввалиги биз валюта қассаманинг анчагина бойтимиз.

Бу маблағлар нималарга сарфланади? Мисол учун 125 миң доллар табоаб-санитария қисмига, касалликни аниқлайдиган дастохларнинг сотиб олиш учун акратилди. Жамоа учун бу катта аҳамиятга эга. Чунки бу меҳнатқашлар саломатлиги билан боғлиқ.

Бевосита шанбалик ҳақида гапирадиган бўлсак, тўқимачилар «Средазэлектротрапарат» ишчиларининг тақдирини мамуният билан кўтиб олдилар. Шу кунинг биз, ҳозирча тахминан 10 миң сўмга яқин пул ишлаб топдик. Бундан ташқари бирлашма ҳудуди ва унга туташ майдонлар ободонлаштирилди.


М. СОДИҚОВ.

© СУРАТЛАРДА: Тошкентда СССР референдуми ўтказилишидан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.



2-пайабал ишлаб чиқариш бирлашмаси махсулотларига бўлган талабнинг тобора ошиб бораётганини сиринида? Бирлашмада бўлган лойтишда ана шу саволинига жавоб топдик. Ундан муштарийларимизни ҳам хабардор қилмоқчимиз.



гиларни гапириб берди: — Бирор янги ишни бошлашга дастлаб одам чўчиб туради. Лекин кимдир янгилик яратибди керакку, ахир, 1-пайабал фабрикасида Австралиянинг «Лим» фирмасидан боради. Шунинг учун ҳам у дастгоҳлар ёнидан бир зум узоққа кетмайди.

Техника тараққиёти йўлидан

# БЕМИННАТ ДАСТГОҲЛАР



— Корхона ўз маромида ишлаётган, — дейди бирлашма касабаси уюшмаси раиси Тодиб Жўраев. — Хом ашё узлуқсиз етказиб берилган кезларда ортин билан ҳам махсулот ишлаб чиқарилган. Бизнинг оёқ кийимлар харидоригр бўлаётганидан беҳад мамунимиз. Чунки 1989—1990 йилларда аниқроқ қилиб айтганда кескин бурлиш ледалик. Республикада биринчи бўлиб аёллар пошона туфлиларини ишлаб чиқара бошлади. Бундай муваффақиятга эришимизнинг асосий босқи эски дастгоҳлардан воқеано, янгиларнинг ўрнатилганимиз бўлди. Италиянинг «Бомбелли» фирмасидан келтирилган дастгоҳлар жоманига оро кирди. Миллион-миллион пулни сарф этганимиз зоё кетмади. Техника тараққиёти туфайли ҳам харидоригр буюмлар ишлаб чиқаришга эришилди.

Бундан ташқари биз миллий удушимиз сифатида косбиликни ҳам тарқатмагимиз. Бир кунда 200 жуфт аёллар оёқ-кийимини шартномавий буюртма асосида косбиликларимиз тайёрлаб берилади. Бўлимда кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган ва ўз касбининг усталари ишлашади.

35 йилдан буён косбиликни ардоқлаб келётган Раҳмат Акрамов, Исандар Иброҳимов, байналмилалчи жангчи Эркин Хайтбоев, Иман Прокопенко, район Кенгаши депутати Зоя Абдуллаева ва Холида Насриддиновалар меҳнати ҳақида ҳар қанча гапирсак арайди. Иттифоқ миқёсидаги шартномаларга имзо чекилса, ажаб эмас, бундан кейин ишлаб чиқаришда кескин бурлиш ясалса.

Хозирги долзарб кунларимизда бозор иқтисодиётига ўтиш бўсағасида эртанги кунга ишюч, умид билан яшашнинг ўзи ҳам қатта гап. Ишчилар ана шундай эзгулик йўлида ишлашмоқда.

Бирлашманинг 2-цехига «Бомбелли» дастгоҳининг яна бир бўлаги ўрнатилган. Бу қисмда пайабалга сўнгги ишлов берилади. Цех бошлиғи Фотиҳ Латипов қўйидаги фикрларни билдириди:

— Янги ўрнатилган ускуналар сабаби мавжуд 320 ишни ўзинга 240 киши ишлайти. Режамиз олдингига нисбатан 30 фоизга ошди. Ишчиларнинг ойлик маоши 120—140 сўмдан 200—240 сўмгача кўтарилди. Буларнинг барчаси янги техника шарофати ҳисобланади.

Дастгоҳларнинг турлари қандай бўлишидан қатъи назар сифатли махсулот чиқарса бас. Харидорларга маъқул келса бўлгани. Тўғри, корхонамида бошқа чет давлатларнинг масалан, Германиянинг «Шоон», Австриянинг «Лим» фирмаларидан келтирилган дастгоҳлар, Франциянинг «максус оёқ кийим» тикадиган тикув машиналари мавжуд, лекин булар орасида «Бомбелли» жуда қатта кучга эга деб ҳисоблайман. Бу дастгоҳга сифатли хом ашё етказиб берилса бас, қолган ишни ўзи бакараверади. Хозирги бизнинг шароитимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик билан иш қилинмаса ишлаб чиқаришда ишчи аҳолига юз тугиши мумкин.

Цехимизда ёшу қари, турли миллат вакиллари меҳнат қилади. Ҳайдар Юсуфалиев, Наби Абдураҳмонов, Анвар Дўстмухамедов ваби меҳнат фахрийларидан ҳаминча миннатдоримиз. Улар косбилик сирларини ёшларга ўргатишда бош-қош бўлмоқдалар.

Бирлашманинг келажак дағи тараққиёти айта ариқтудик. Янги дастгоҳлар ёрдимида кундан-кун кўпроқ харидорлар махсулотлар ишлаб чиқарилиши учун замин яратилди. Чунки бу ерда қанчалар қийин бўлмасин янгилик ҳар чоранга 25—30 хилдаги аёллар оёқ кийимини ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Бу кўрсаткичлар ҳар томонлама — ҳамимдан тортиб, сифатига ҳаминча хурматига саовор бўлади, деган умиддамиз.

Г. МАМБЕТОВА

«Тошкент оқимом» муҳбири. СУРАТЛАРДА: «Бомбелли» дастгоҳининг бир бўлагини бошқарувчи Мастура Убайдуллаева; дастгоҳнинг иккинчи бўлагининг қўриқчи; 2-цехнинг ёш ишчиларидан (чапдан ўнгга) Қоил Тошмухамедов ва Зухриддин Абдуллаевлар; бирлашмада ишлаб чиқаришга пошона туфлилардан намуналар. Сураччи Х. Мирзақаримов.

КОРХОНА дарвозаси олдида турганимга ҳам 5—10 дақиқалар бўлиб қолди. Узоқдан ишга келатган аёлларнинг қораси кўринади. Қўлларига сўмақалари. Шошилди келишяпти. Бирова боғчадан, бирова фарзандини мактабга қузатиб, деганди.

— Зина она, шу ерда неча йилдан бери ишлаб келаяпсиз? — Бу ерга келганимда хали 16 ёшга ҳам тўлмаган эдим. Анча оғир ҳайтлар, тўғирроғи 1954 йилнинг ёзи эди.

Бичиш-тиқишга жуда қизиқардим. Уйдагилар билан маслаҳатлашиб шу ерга ишга кирдим. Аввалгига шогирд, кейин тикувчи, бичувчи, ҳозир эса 5-бригада қизларига ишбошчиман. Ишдан жуда кўнглим тўқ. Ахир оёқ асос, салкам 40 йиллик умрим шу ерда ўтапти. Бир кун ишга келмасам ўзимни ноқулай ҳис қиламан. Ҳамма нарса етарли. Етмаса биргаликда етказамиз. Қизларимизнинг барисини моҳир, чевар. Азия Сайфулина, Жамила Мингбоева, Рафига Хайитовалар аниқ йилдан бери ишлаб келишмоқда. Жамоамизнинг фахрлари — энг асосийси бир-биримизга меҳрибон, аҳлимин. Бирон бир тугилган кун, оиланинг шодона оилари йўқки, жамоа бош-қош бўлмасам. Ҳозирги билан, ҳозир дўконларимиздан керакли нарсани топишнинг ўзи бўлмайди, топсангиз ҳам баҳоси осмонда. Бунинг устига олтига тенг вақтингизни йўқотиб навбатда турингизки керак. Шундай кунда бир-биримизга ёрдам бермасак, қачон ердан берамиз.

Сўбатимизга уста Рихсикон Шоабдурахимова қўшилдилар. — Менинг ҳам меҳнатда сўягим шу ерда қотган. 1973 йилдан бери шу корхона менга худди ўз уйимдай азия. Ишдан ажралмаган

қолда политехникуминг кечки факультетини тугатдим. Худди Зина оналарга ўхшаб олдинга шогирд, тикувчи, бичувчи, мастер бўлдим. — Ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари қанчадан тўғри келади? — Агар январ ойиникини олдидан бўлса 140 сўмдан тўғри келиди. — Бу жуда оз-ку?

## Меҳнат жамоаларида ИШЛАРИДАН Кўнгли Тўқ

— Бундай қарашда оз кўрилади. Енгил саноатда шундай бир таъриф бор: «Ҳар кимга ишлаганига яраша». Икки юз, ундан ошқолаётган чеварларимиз ҳам бор. Аёлларни биласиз, рўзгорнинг ҳамма ташвишлари бўйинларида. Бола тарбияси дегандай. Бу ерда саккиз соат ишлаб уйга боргандан кейинги қиладиган ишларнинг сон-саногини йўқ. Болалар хасталигини қолса, биринчи галда она парвона бўлиши керак. Ҳар қандай оиланик алабта уларнинг шу сабабдан ишга келмаётганларини ҳам ҳисобга олиш керак. Тагин кўнглингизга келмасин, режалар бутулли барбод бўлаётган эканда, деб. Йўқ, биз ҳар доим оёқ, хаварал, йиллик режаларини ўз вақтида бажариб келганимиз. Март ойидан бошлаб тўла мустақилликка эришамиз. Кейин кўраимиз иш қандай бўларкин? — Мана сиз раҳбарсиз? Аёл кишининг раҳбарлиги тўғрисида қандай фикрласиз? — Ганингизга тушундик. Ал-

батта ишлаб чиқариш жараёни бўлгандан кейин ҳар хил гаплар бўлиши мумкин. Раҳбарлик қилиш жуда ҳам қийин. Айнақса ҳозирги етишимовчилик замонда. Аёлга раҳбарлик, дегингиз. Ойлага ҳам, саломатликка ҳам таъсири қатта. Биринчидан болаларга қўнглидигдек эътибор беришмайсан, вақт йўқ. Юқоридан айтганимдек, ишдаги ҳар хил гаплар барибир одамнинг саломатлигига таъсир қилар экан. Лекин уйда раҳбар эмассан. Турмуш ўртоғини, 4 та фарзандим бор.

Тўғрида, рўзгорини қули, жасур эрақларимиз бошқаргани маъқул. Биргаликда, ҳамжиҳатликда қилинган ишнинг самараси яхши бўлади. Мен ҳаммининг гапларини қозоғга тушириб ўтирмадим. Тикилиб таёёр бўлган кийимларни тахлитан опахонга қўзим тушиди. Бу кеска ишчи Муҳаббат Жўраева экан.

— 23 йилдан бери шу ерда ишлаяпман. Куч-қувватим камаятган шу ерда таҳовчиликка ўтказиб қўйишда, олдиданги таъсир қилар экан. — Шу яқин атрофда яшайсизми? — Қорақамишда тураман.

— Қорақамишдан бу ерга қатнашингиз ўзи бўлмайди. Ишга етиб кела оласизми? — Узоқликка узоқ еттиб келаман. Шу ерга ўрганиб қолганим.

«Чевар» бирлашмасида иш қилишим. Иш қанчалар оғир бўлмасин ишчилар бу ерда ишлаётганларидан нолишяётгани йўқ. Улар бу ерга адиш эмас, ўз хоҳишлари билан келишган. Эришилган ютуқлари билан бир қаторда бу ерда ўз ечимини қулиб ётган муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта.

Цех босқондан чиқар эканман, қўли-қўлига тегмай ишлаётган, тиниб-тиничмас аёлларнинг суратлари кўзларимга муҳралиб қолгандай бўлди. Сизга куч-қувват берсин, чеварлар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

### Янгиликлар, хушxabарлар

#### ИШЛАР ЖАДАЛЛАШИДИ

Термиз ақинида жойлашган Учқизил чўчқачилик комплекс муттасил зарар келтирди, кейинги вақтларда эса у фойдалан хўжаликка айланди.

Бу жамоа ҳайвонларни парвартириш ва боқиш тажрибасини тақомиллаштириш, чўчқалар сонини кўпайтириш, ҳодимларнинг меҳнат ва мансий шароитларини яхшилаш тўғрисида қилаётган доимий гам-хўрлигининг натижаси бўлди.

Яқин-яқингача биноларнинг қарийб ярми бўш ётар, ош чўчқалар, уларнинг болалари бир ерда сақланиб, уларнинг ҳаммаси бирга боқиларди, ҳайвонлар ҳаёти учун зарур восителар ишга туширилмаган эди.

Хозир озуқа тайёрлаш сифати яхшиланди, ҳайвонлар гуруҳ-гуруҳларга ажратилиб, алоҳида хоналарга жойлаштурулди. Тозалаш ишшоотлари кўрилди, электр олиб келинди.

Натижада чўчқаларнинг ҳар бири бир кеча-кундузда 450 граммгача семирмоқда. Бу эса нафақат гўшт етиштиришни кўпайтиришга, айнаи вақтда чўчқабозларлар маошининг ошшишга ҳам сабаб бўлди.

#### КўПЛАМ ТАРАДДУДИ

Карл Маркс номили давлат хўжалиги раёончиқлари ишлари тўғри ташкил этишлари натижасида техникани яқин мавсумига тўла тайёрлаб қўйишди.

Бутун жамов уч гуруҳга бўлинди, улар ўзаро мусобақалашдилар. Мусобақа натижалари ҳар беш кунда бир мар-та чиқариб турилади. Бинобарин, қилинётган ишлар сифати алоҳида эътибор берилди. 30 тага яқин севакни, 46 та ҳаёдов трактори билан кўпайтирилган, бошқа ишлар тажрибасини сифатли қилиб раёондан чиқарган А. Сайфиев бошлиқ гуруҳ айнақса ўртак бўлди.

#### ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҚАМЛАБ

Хазорасп раёонидagi Ленин номили жамов хўжалигининг чорвалорлари ва ел-хашак таёёрловчилари дала ишлари мавсумига ҳозирлик қилиб, яқин техникасини тайёрлаб қўйдилар, уларнинг озуқа экинлари уруғини билан тўла таъминладилар.

Улар бозор иқтисодиётига ўтиш арасида «Ем қилмаст бўлади, уни ўзимиз етиштиришимиз керак» деган шпор остида ишлашмоқда. Уларнинг сўзи иш билан бир бўлмоқда. Бу ерда ишлов арасида неча аниқлаб тонна пичан, бошқа ишлар озуқалар таллаб қўйилган эди. Фермада иш фаслида ҳам сут соғиб олши қамқайишнинг тасодифий эмас.

Чорвалорлар бу йил ҳам муваффақиятга эришадилар. Улар хўжалик бошқарувни аниқратган қарийб юз гектар ерда озуқа экинлари етиштиришни мўлжаллашмоқда.

[УЗАГА]

## Меҳр-шафқатли бўлайлик БИР САФДА

ҲАЁТ турли тасодифларга тўла. Мана шу тасодифлар кўпгина кўнглисиз воқеалару фожияларга ҳам сабаб бўлади. Бир тасаввур қилингиз, йўлда кетяётганингизда аравачада, қўлтиқтабда бораётган ногирон кишини учратиб қолдингиз. Еки айтэйлик, катта йўлни қийинчилик билан кесиб ўтаётган кўзи ожиз инсонга баногоҳ дуч келиб қолдингиз. Шунда қандай ҳолга тушасиз? Юрагингиз бир ҳарпикриб кетиши табиий. Ҳаёт деб аталамиш бу оламда шунақа ногиронлар ҳам биз билан анма-енданингизни ўйлаб улар ҳолига диндан қунонасиз Қани энди барча муруватларини улардан қарин тутмасангиз, беиминат ёрдамчилигини аяласангиз.

Онигини айтиш керак. Ногиронлар учун ҳали бизда имконият даражасида қўлайликлар яратилган дея олмаймиз. Шунки ҳисобга олиб ишбу материалда кўпсонли ногиронлар республика жамиятининг бир бўлаги бўлиши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти кўзи ожизлар жамияти ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик. Бу борада бизга Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг вилоят бошқаруви раиси Бахтиёр Сатторовни Абдуҷабборов ёрдам берди.

— Бу жамият 1 ва II гуруҳ кўзи ожиз ногиронларини ўзида бирлаштирган. Республика пойтахти бошлангич таълимоти хисобини ўзида шундайлардан уч мингдан ортиқ киши ямавуд. Бу ногиронларнинг қўнчилиги Чилонзор раёонида жойлашган Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Тошкентдаги 7-ишлаб чиқариш комбинатига, қардон махсулотларини тикиш фабрикаси ва босмахонада меҳнат қилишмоқда. Айтиш мумкинки, бу корхоналар жамият ҳаётида қатта роль ўйнамоқда.

Бундай корхоналарнинг борлиги албатта, қувончли хол. Бироқ бугунги кунда бу ишлаб чиқаришларда ҳам бир қатор муаммолар тўпаниб қолгани, уларни ҳам элтиш фақат керакли ташкилотларнинг эмас, балки ҳокимият ижроа органолининг аралашувларини ҳам тақозо этади. Биргина мисол. Жамиятимиз аъзолари меҳнат қилаётган корхоналарга етарли даражада эътибор қаратилмагани бизни ташвишга солиб келади. Шунинг учун ҳам йирик давлат корхоналари хисобидан чиқарилган қамқувватли хижозлар бизнинг корхоналаримиздан ўрин олади. Ҳозирда бундай ускуналарнинг 70 фоизини эскириб қолганлигини қайд этиш лозим.

Махсулот таъминотидаги узалишлар ҳам корхоналар ҳаётига салбий таъсир этмоқда. Ҳозирда бу муаммо барчамизни қийнаб турибди. Уйлашимиз, Иттифоқ шартномаси мазолини билан бу етишимовчилар барҳам топади. Жамиятимиз аъзолари бундай шартномаларнинг тезроқ амалга ошишини истапайми.

Уз ишимизда ҳам қамчилигимизни йўқ эмас. Афсуски, барча корхоналарда ҳам мавжуд резервлардан унумли фойдалана олмаймиз.

Ногиронлар ҳақида ҳукуматимиз томонидан қилинётган муттасил ғамхўрлик бизни қувонтиради. Айнақса уларни иш билан таъминлаш, солиқ тўловларидан бутунай аёз этиш, еки уни қамқайиш юзасидан бўлган ғамхўрликлардан миннатдоримиз, албатта.

Утган йилнинг июнь ойидаги Ўзбекистон ССР Вазиранг Кенгашининг республика кўзи ожизлар жамияти иқтисодий-техника базасини янада мустақамлаш тадбирлари хусусидаги қарори жамиятимиз ҳаётида қатта роль ўйнади. Бу ҳужжатда ногиронларга барча зарурий шароитлар яратиш бериш ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш кўзда тутилган эди. Қарор юзасидан жамиятимиз аъзолари учун қатор қўлайликларини яратилганини айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Чунки мана шу ҳужжатдан келиб чиқиб I гуруҳ ногиронларига турар жой ва коммунал хизмати юзасидан бир қатор имтиёзлар берилди. Шунга кўра юқоридаги гуруҳ ногиронлари коммунал хизмати учун 50 фоиз миқдорда ҳам тўлашмоқда. Ҳужжатда белгиланган яна бир муҳим нарсаси — бу кўзи ожизлар учун чоррақа чироқларига овоз чиқарувчи қурилмалар ўрнатиш кўзда тутилганлигиндир. Агар бу тадбир ҳам амалга ошса нур истиға нур бўларди. Ҳозирда чет элларда еки Россиянинг кўпгина шаҳарларида бу муаммо ҳал этилган.

Албатта шу ўринда юқоридаги ҳужжатдан ногиронлар ҳаёти учун зарур бўлган бевзи бир масалалар ўрни олиб қолганлигини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Жумладан, бу ўринда йўл-йўлик ва қурилиш ташкилотлари бунёдкорлик ишларида ногиронлар учун баъзи бир қўлайликлар яратишни хисобга олмаётганликларини қайд этиш мумкин. Айнақса пивдалар учун мўлжалланган кўпчакчаларда тўсқинларнинг йўқлиги, баъзан эса йўллардаги водопровод қудуқлари қопқоқларининг очик қолдирилиши кўзи ожизларни қийин аҳволга солимоқда. Бунинг устига устак автобус, троллейбус ва трамвай ҳаётда аҳолиларнинг бекетларини эълон қилмасликларини айтибсизми? Бу масалалар киши назариди айтибсизми бўлса, ногиронлар учун жуда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, кўзи ожизларни шаҳар транспортига чиқиб-тувиштириш, метро бекетлари эинларини ҳафсизлик билан бошишлари, дўконларга кириб-чиқилари юзасидан ҳам қўлайликлар яратиш ҳақида ҳам ўйлаш учун вақт етди. Ахир қанчагача ногиронлар бу қўлайликлардан бебаҳра қолишадил!

— Бунинг учун жаҳон тажрибаларидан ўрганиш керак бўлади, — дея давом эттиради ўз сўзини Б. С. Абдуҷабборов. — Шаҳар мен шаҳримизда кўзи ожизлар учун ёритиш ускуналари билан савдо қилувчи махсус дўконлар пайдо бўлишини кўпдан бери орзу қиламан. Ҳозирча бундай дўкон Иттифоқда ягона. У ҳам бўлса Москвадаги «Тон» деб номланувчи дўкондир. Шунингдек, кўзи ожизлар учун қўлайлик сифатида турли мол-малумат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Чиндан ҳам, жамиятимизда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни ва қадр-қиммати бор экан, юқоридаги тақлифларни амалга ошириш ҳақида бақамти ўйлаб кўрайлик.

В. ОБИДОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли Тошкент ишлаб чиқариш комбинатининг 2-цехида меҳнат жараёни пайти.





